

МАРКАЗ ДИРЕКТОРИНИНГ ЛАВОЗИМ ЙЎРИҚНОМАСИ

I. Умумий қоидалар

1. Марказ директори Ўзбекистон Давлат статистика қўмитасининг буйруғи билан тайинланади ва Қўмита раҳбариятига бўйсунди.

2. Ўз фаолиятида Ўзбекистон Республикаси Конституцияси ва қонунларига, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталари қарорларига, Ўзбекистон Республикаси Президенти фармонлари, қарорлари ва фармойишларига, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси қарорлари ва фармойишларига, бошқа қонун ҳужжатларига, Марказ Низомига ҳамда мазкур Йўриқномага амал қилади.

II. Марказ директорининг вазифа ва функциялари

3. Марказ директори Марказ фаолиятига раҳбарлик қилади.

4. Марказ директорининг вазифа ва функциялари қуйидагилардан иборат:

- ўз ваколати доирасида қонун ҳужжатларига мувофиқ буйруқлар чиқариш ва уларнинг бажарилишини назорат қилиш;

- Ўзбекистон Республикасининг "Таълим тўғрисида"ги қонуни ва бошқа соҳага оид қонун ва меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларининг бажарилишини таъминлаш;

- ходимларни ишга қабул қилиш ва ишдан бўшатиш;

- Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитаси билан келишилган ҳолда ички меҳнат тартибини белгилаш, шунингдек қонун ҳужжатларига мувофиқ кўшимча таътил муддатини белгилаш;

- таълим муассасаси бўлган Марказ фаолияти устидан раҳбарликни амалга ошириш, ўқув-услубий ва илмий Кенгашни бошқариш, малака ошириш ва қайта тайёрлаш таълими сифатини яхшилаш, ўқув ва тадқиқотлар олиб бориш жараёнининг самарадорлигини ошириш, ривожлантириш ва мукамаллаштиришнинг асосий йўналишларини белгилаш;

- Марказнинг малака ошириш ва қайта тайёрлаш ҳамда статистика тадқиқотлари жараёнининг барча босқич ва бўлимлари фаолиятини ташкиллаштириш;

- ўқув жараёнига Давлат таълим стандартлари (Давлат талаблари), ўқув режалари ва дастурлари талабларини амалга оширилишини таъминлаш, уларнинг татбиқ этилиши устидан назоратни амалга ошириш;

- Марказнинг Низоми талабларига риоя қилишни таъминлаш;

- давлат ва жамоат ташкилотларида ўрнатилган тартибда таълим муассасаси - Марказнинг манфаатларини ҳимоя қилиш;

- Марказнинг йиллик ва ойлик иш режаларини тасдиқлаш ҳамда профессор-ўқитувчилар йиллик иш режаларининг бажарилишини назорат қилиш;

- тингловчилар томонидан тизимли малака оширишни, малакавий билимлар олишни, уларга бўлган эҳтиёжни ривожлантиришни, илмий ва умуммаданий билимларни, ишга ижодий ёндошишни, мустақил фикрлашни шакллантиришни, меҳнат кўникмаларини, танланган касбга ва атроф-муҳитга онгли муносабатни юзага келтиришни таъминлаш;

- ўқув жараёнига мукамаллашган ва самарали педагогик технологиялар ва таълим воситаларини киритиш;

Марказнинг мол-мулки, маблағларини тасарруф қилиш, шартномаларни имзолаш, Марказ ҳисоб рақамларини очиш;

- ўз ваколати доирасида Марказнинг молия хўжалик масалаларини ҳал этиш, бюджет ва бюджетдан ташқари молиявий маблағларни шакллантириш ва улардан

самарали фойдаланишини таъминлаш, ўқув жихозлари ва бошқа ўқитиш воситаларининг сақланишини таъминлаш, Марказнинг моддий-техник базасини ривожлантириш ишларини ташкил этиш;

-профессор-ўқитувчиларга бўлган эҳтиёжларни аниқлаш, уларни танлаш ва жой-жойига қўйишни амалга ошириш, штат жадвалини белгиланган хизмат доирасида тасдиқлаш, профессор-ўқитувчилар ва ходимлар аттестациясини ташкиллаштириш, ходимлар билан меҳнат шартномалари тузиш;

-меҳнат, ишлаб чиқариш, ижро интизоми ва техника хавфсизлиги қоидаларига амал қилинишини таъминлаш;

-Марказнинг ўртак кўрсатган ходимларини рағбатлантириш бўйича махсус комиссияга раҳнамолик қилиш, махсус комиссия қарори асосида юқори малакали профессор-ўқитувчиларга, илмий ходимлар ва бошқа ходимларга тегишли тартибда моддий рағбатлантириш жамғармаси ҳисобидан молиявий имкониятлардан келиб чиққан ҳолда тариф ставкасининг юз фоизигача миқдорда ойлик устама белгилаш, Марказ ходимларини мукофотлаш ва зарур ҳолларда уларга нисбатан интизомий чоралар кўриш;

-тингловчилар билим сифатининг давлат таълим стандартларига (давлат талабларига) мувофиқлигини, ўқув ишларининг самарадорлигини таъминлаш ва назорат қилиш, профессор-ўқитувчиларни рағбатлантириш учун Давлат талабларининг бажарилишини ҳолис ҳисобга олинишини ташкиллаштириш;

-профессор-ўқитувчилар фаолияти самарадорлиги ва сифатини баҳолаш учун тингловчилар ўртасида танланма тестларни ташкил этиш;

-тингловчиларни таълим муассасасига қабулини, курсни битиришини, иш юритишнинг олиб борилишини, тингловчиларга малака ошириш ҳақидаги ҳужжатларнинг берилишини ташкил этиш;

-тингловчиларнинг зарур адабиётлар ва ўқув қўлланмалари билан таъминланишини ташкил этиш;

-илмий-маърифий ишларини ривожлантириш бўйича ҳамкорлик ишларини ташкил этиш, профессор-ўқитувчилар ва бошқа ходимлар билан шартномалар тузиш;

-тингловчиларнинг ўқув ишлаб чиқариш амалиётини ташкил этиш;

-меҳнатни муҳофазалаш ва техника хавфсизлиги бўйича тушунтириш ишларини олиб бориш;

-тингловчиларни энг яхши миллий анъаналар, урф-одатларга ҳурмат билан қарашни, уларда миллий ва умуминсоний кадриятлар уйғунлиги асосида юқори маънавий ахлоқий сифатларни ҳосил қилишни, ўз ватанига ва халқига содиқ фуқароларни шакллантиришни бошқариш;

-таълим муассасаси фаолияти ҳақида ҳисоботлар тайёрлаш, буйруқлар чиқариш, ходимлар учун ижтимоий-маиший ва малака ошириш учун шароитлар яратиш;

-ходимларнинг мажбуриятлари, вазифаларини белгилаш ва улардан алоҳида ўртак кўрсатганларини мукофотлаш ва рағбатлантириш учун тавсия этиш, ўз ваколати доирасида жазо чораларини қўллаш;

-жамоат аъзолари ва тингловчилар контингенти ҳуқуқларини ҳимоялашга, ҳаёти ва соғлигини муҳофазалашга ғамхўрлик қилиш;

-қонун ҳужжатларига мувофиқ бошқа ваколатларни амалга ошириш.

III. Марказ директорининг ҳуқуқ ва мажбуриятлари

5. Марказ директорининг ҳуқуқ ва мажбуриятлари қуйидагилардан иборат:

-таълим муассасаси ва алоҳида олинган профессор-ўқитувчилар фаолиятини таҳлил қилиш, энг аҳамиятли муаммоларни аниқлаш ва уларни ҳал этишнинг самарали йўллари белгилаш;

-таълим муассасасини ривожлантириш дастурини ишлаб чиқиш ва уни бошқаришнинг ташкилий тузилмаларини ҳосил қилиш ва шартномалар тузиш, низомлар, қоидалар, лавозим йўриқномаларини ишлаб чиқиш, ишчи йиғилишлар, суҳбатларни олиб бориш;

-худуд иқтисодиётининг мутахассис кадрларга бўлган тизим эҳтиёжларини аниқлаш ва таҳлил қилиш;

-жамоада соғлом психологик муҳитни яратиш;

-Ўзбекистон Республикасининг "Таълим тўғрисида"ги Қонуни ва бошқа қонун ҳамда соҳага оид меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларга риоя қилиш;

-Давлат таълим стандартлари талаблари (давлат талаблари) ва мазмуни, жамоани самарали бошқариш усуллари, ходимларни, давлат талабларини қўллаш натижаларига боғланган ҳолда моддий ва маънавий рағбатлантиришнинг тизими ва усулларини жорий этиш;

-кадрларни танлаш ва жой-жойига қўйиш усуллари, уларнинг малакасини ошириш ва қайта тайёрлаш тартибини ўрнатиш;

-педагогикани, педагогик психологияни, таълим муассасаси фаолиятини ташкил этишнинг санитар гигиеник талабларини, техника ва ёнғин хавфсизлиги қоидаларига амал қилинишини назорат этиш;

-илғор педагогик технологиялар ва уларни татбиқ қилиш усулларини қўллаш;

-тингловчилар билимини назорат қилиш усулларини татбиқ қилиш;

-танлов ўтказиш тартиби, таълим муассасаси ва профессор-ўқитувчиларни аттестациядан ўтказиш тартиби ва мезонларини жорий этиш.

IV. Марказ директориға малака талаблари

таълим муассасаси йўналиши ва билим соҳаси бўйича олий маълумот ва илмий даража;

таълим муассасаси йўналиши бўйича иш стажи 5 йилдан кам эмас, жумладан ўқув-тарбиявий ишлар бўйича директор ўринбосари лавозимида камида 2 йил иш стажи.

Илмий даража ёки илмий унвонга эга бўлганда раҳбар лавозимлардаги шахсларга иш стажи талаб қилинмайди.

V. Марказ директорининг жавобгарлиги

6. Марказ директори Марказ Низомида, ушбу лавозим йўриқномасида ўзига юклатилган вазифалар, функциялар ва мажбуриятларни тўлиқ ўз вақтида ва сифатли амалга оширилиши, ўзига берилган ваколатлар ва ҳуқуқлардан қонун ҳужжатларига мувофиқ фойдаланилиши, шунингдек Марказ ички меъёрий ҳужжатлари талаблари, юқори ташкилот қарорлари, буйруқлари, кўрсатмалари ва топшириқларини тўғри ва аниқ бажарилиши учун жавоб беради.

7. Марказ директорининг қайд этилган вазифалари, функциялари ва мажбуриятларини талаб даражасида бажармаслиги ёки бажаришдан бош тортиши, ваколатлари ва ҳуқуқларидан нотўғри фойдаланиши, Марказ ички меъёрий ҳужжатлари талаблари, юқори ташкилот қарорлари, буйруқлари, кўрсатмалари ва топшириқларини ижро этмаслиги оқибати хусусиятига қараб амалдаги қонун ҳужжатларига мувофиқ жавобгарликка тортилишига олиб келади.